



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (83) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азарбайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (83)

2025

сентябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.08.2025, Accepted: 06.09.2025, Published: 10.09.2025

УДК 616.314-089.23-007.1-053.2-084-07 (575.146)

БУХОРО ВИЛОЯТИ БОЛАЛАРИДА ТИШ ҚАТОРИ НУҚСОНЛАРИНИ ОРТОПЕДИК ДАВОЛАШ ОРҚАЛИ ТИШ-ЖАҒ АНОМАЛИЯЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Олимов Сиддиқ Шарифович <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

e-mail: siddiq_olimov@bsmi.uz

Юнусова Умида Ахмеджановна <https://orcid.org/0009-0005-5837-8158>

e-mail: umida_yunusova@bsmi.uz

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий
кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Турли илмий манбалар таҳлили кўрсатишича, тиш қатори нуқсонлари аҳоли орасида тарқалиши бўйича биринчи ўринда туради. Улар ўзининг организмга кўп қиррали таъсири билан барча шифокорларлар, жумладан стоматологларга ҳам қийинчилик туғдиради. Тиш қатори нуқсонлари нафақат Европа ва Америка қитъалари давлатларида балки Осиё мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Замонавий стоматологияда тиш қатори нуқсонлари туфайли келиб чиқадиган касалликлар жумладан тиш-жағ аномалиялари таъсирини ўрганиш, касалликлар асоратини олдини олиш долзарб муаммодир.

Калит сўзлар. Аномалия, деформациялар, тиш қатори нуқсонлари, адекват бошқарув, стоматологик, клиник-функционал, лаборатор- статистик усуллар, прикус.

ПРОФИЛАКТИКА ЗУБОЧЕЛЮСТНЫХ АНОМАЛИЙ ПУТЕМ ОРТОПЕДИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ДЕФЕКТОВ ЗУБОВ У ДЕТЕЙ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

Олимов Сиддиқ Шарифович <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

e-mail: siddiq_olimov@bsmi.uz

Юнусова Умида Ахмеджановна <https://orcid.org/0009-0005-5837-8158>

e-mail: umida_yunusova@bsmi.uz

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г.
Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Анализ различных научных источников показывает, что аномалии развития зубов являются наиболее распространёнными среди населения. В силу своего многогранного воздействия на организм они представляют собой сложную задачу для всех врачей, включая стоматологов. Аномалии развития зубов широко распространены не только в странах Европы и Америки, но и в странах Азии. В современной стоматологии изучение последствий заболеваний, вызванных аномалиями развития зубов, в том числе зубочелюстных аномалий, и профилактика их осложнений являются актуальной проблемой.

Ключевые слова. Аномалии, деформации, дефекты зубных рядов, адекватное лечение, стоматологические, клинично-функциональные, лабораторно-статистические методы, прикус.

PREVENTION OF DENTAL AND JAW ANOMALIES THROUGH ORTHOPEDIC TREATMENT OF DENTAL DEFECTS IN CHILDREN OF THE BUKHARA REGION

Olimov Siddiq Sharifovich <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

e-mail: siddiq_olimov@bsmi.uz

Yunusova Umida Axmedjanovna <https://orcid.org/0009-0005-5837-8158>

e-mail: umida_yunusova@bsmi.uz

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

An analysis of various scientific sources shows that dental malformations are the most common among the population. Due to their multifaceted effects on the body, they are a difficult task for all doctors, including dentists. Dental malformations are widespread not only in Europe and America, but also in Asian countries. In modern dentistry, the study of the consequences of diseases caused by dental malformations, including dental malformations, and the prevention of their complications is an urgent problem.

Keywords. *Anomalies, deformations, dentition defects, adequate management, dental, clinical-functional, laboratory-statistical methods, pricus.*

Долзарблғи

Охири йилларда аҳоли орасида стоматологик кўпайиб бормоқда, бу эса тиббий - ижтимоий, иқтисодий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, бу тиш қатори нуқсонлари мавжуд болаларда тиш-жағ аномалияларининг ривожланиши, уларни ташхислаш ва даволашда мураккаблик вужудга келтириши билан алоҳида ўрин тутмоқда. Аниқланишича сўнгги 5 йил давомида ўтказилган тадқиқотлар тиш қатори нуқсонлари мавжуд болаларда тиш-жағ аномалияларининг ривожланиши 66% гача, турли деформациялар билан бирга келиши эса 78% гача кузатилиши қайд этилган. Шу билан бирга тиш-жағ аномалиялари мавжуд болаларда оғиз бўшлиғи касалликларининг устунлик қилиши ҳамда 78,3% дан 95,3% гача кузатилиши тиш-жағ аномалияларининг кўп тарқалганлигидан гувоҳлик қилади. Бу ҳолат тиш-жағ аномалиялари бошланғич босқичларининг аниқ клиник белгиларсиз кечиши, ҳам клиник, ҳам лаборатор текширувларда ўзгаришлар тўғрисида етарлича маълумотлар олиш имкониятининг, мутахассислар орасида ягона этиопатогенетик қарашлар йўқлиги билан изоҳланади. Келтирилган асослар ушбу тиббий муаммонинг даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда [2,5].

Жаҳон миқёсида тиш қатори нуқсонлари мавжуд болаларда стоматологик касалликлар, шу жумладан тиш-жағ аномалияларини даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда замонавий стоматологияда тиш қатори нуқсонлари билан боғлиқ тиш-жағ аномалиялари симптомларининг ўзига хос кечиши клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш, комплекс даволаш жараёнида ортодонттик чоралар ўрнини баҳолаш, болаларнинг соматик ҳолатини эътиборга олувчи комплекс босқичма-босқич ёндашув режасини ишлаб чиқиш, тиш қатори нуқсонлари мавжуд болаларда оғиз бўшлиғи аъзоларининг иш фаолияти бузилишига асосланган даволаш-профилактика усулларини таклиф этиш; даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади [5,8].

Тиш қатори нуқсонлари эпидемик жараён аниқ белгиланган даврийлик, мавсумийлик, цикликлик мавжуд эмаслиги билан тавсифланади. Тиш қатори нуқсонлари шаклларнинг клиник кўринишлари бўйича дифференциал ташхис қўйишнинг мумкин эмаслиги тиш қатори нуқсонларини учрашини расмий рўйхатга олиш маълумотлари, уларнинг аҳоли орасида ҳақиқий тақсимланишини акс эттирмаслигига сабаб бўлган, ўз вақтида адекват бошқарув қарорларини қабул қилиш, олдини олиш чора-тадбирларни амалга оширишни қийинлаштирган [3].

Шу билан бирга, тиш қатори нуқсонларнинг лаборатория диагностикаси бўйича мавжуд моддий-техник таъминот тадқиқот усулларини скрининг қилишнинг нисбий харажатлари, барча тадқиқот усуллари учун мос келадиган натижаларни электрон қайд этишнинг ягона воситалари йўқлиги сабабли ушбу мониторингни ташкил этишга имкон бермаган [4,6].

Шундай қилиб, замонавий стоматологияда тиш қатори нуқсонлари туфайли келиб чиқадиган касалликлар жумладан тиш-жағ аномалиялари таъсирини ўрганиш, касалликлар асоратини олдини олиш долзарб муаммодир.

Турли илмий манбалар таҳлили кўрсатишича, тиш қатори нуқсонлари аҳоли орасида тарқалиши бўйича биринчи ўринда туради. Улар ўзининг организмга кўп қиррали таъсири билан барча шифокорларлар, жумладан стоматологларга ҳам қийинчилик туғдиради. Тиш қатори нуқсонлари нафақат Европа ва Америка китъалари давлатларида балки Осиё мамлакатларида ҳам кенг тарқалган [2].

Тадқиқотнинг мақсади. Бухоро воҳаси болаларида тиш-жағ деформациясининг олдини олиш бўйича кўп босқичли комплекс дастурни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва самарадорлигини баҳолашдан иборат бўлган.

Материал ва усуллар

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи стоматологик, клиник-функционал, лаборатор ва статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдордаги тиш-жағ деформациялари ташхисланган болаларнинг олинганлиги, келтирилган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жихатдан тасдиқланганлиги, уларнинг ватандош ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотлар бўйича қиёслаганда ишончлилиги, келтирилган хулосаларнинг асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Натижа ва таҳлиллар

Тишларнинг асосий мезони болиб бунда тиш қаторидаги тишлар ҳолати тиш ёйлари параметрларининг доимий тиш ҳажми билан ўзаро боғлиқ булади. Бу параметрнинг тўғри келмаслиги краудинг (тишларнинг яқин позицияси) ёки спейсингга (тишлар ораси очилиши) олиб келиши мумкин. Ушбу мақолада тиш қаторлари ва юз скелети структуравий хусусиятларига мувофиқ ортодонтик даво режалаштирилган ҳолатда тишни сақлаб қолиш ёки олиб ташлаш бўйича кўрсатмалар мавжуд. Беморда ўрганилаётган маълумотлар асосида Энгльнинг биринчи ва иккинчи синф прикус аномалияларида ортодонтик давода тишнинг олинishiга курсатма булган беморларда Энгльнинг биринчи ва иккинчи синф прикус аномалияларида биометрик ва рентгено-цефалометрик солиштирма анализларни натижасига асосланган ҳолда тиш қаторлари биометрик тузилиши ахамиятини урганиш муҳим саналади.

Умумий текширилувчи болалар сони 962 нафарни ташкил этган болалар ҳисобланиб, шундан вақтинчалик тишлов давридаги болалар сони 242 ва алмашинув тишлов давридаги болалар сони 720 тани ташкил қилади. Вақтинчалик тишлов давридаги болаларнинг (59,7%) тасида тишлов ва тиш қаторларига оид аномалиялар учради. Шу жумладан, 64,9% ида дистал тишлов ҳолати ҳамда ушбу болаларнинг 37,1%ида иккинчи турдаги аномалия-чуқур тишлов ҳолати аниқланди. Юқорида айтилган 59,7% болаларнинг 91,2%ида вақтинчалик фронтал сут тишлараро физиологик трема рўй бермаганлиги аниқланлди. Бу ҳолат 55,3% болаларда юқориги фронтал тишларга тўғри келган бўлса, 44,7% болаларда пастки фронтал тишларга тўғри келганлиги кузатилди. Эътиборли жиҳати шундаки, 44,7 % болаларнинг барчасида дистал тишлов ҳолати мавжуд эди. Ушбу тишлов туридаги болаларда сагиттал ёриқ (тирқиш) 1-3 мм ни ташкил қилди.

Физиологик трема рўй бармаган болаларнинг 5,7%ида ҳаттоки, тишларнинг енгил даражадаги зич ҳолати ҳам кузатилди. Ундан ташқари, дистал тишловнинг даражасига мос равишда юқори жағ тиш қаторларининг компенсатор торайиши кузатилди. Дистал тишловли болаларнинг 42,8%ида тилости юганчасининг калталиги (яқин бирикиши) кузатилди. Ушбу тишлов даврида текширилган болаларнинг 13,2%ида пастки жағнинг мезиал ҳолати аниқланди ва уларнинг 65,4% ида вақтинчалик қозиқ тиш окклюзион юзаларининг (айниқса, пастки қозиқ тишларда) физиологик емирилишдан орқада қолаётганлигини гувоҳи бўлдик. Ундан ташқари, юқориги фронтал тишлар орасида физиологик тремани рўй бермаганлигини ва пастки фронтал тишларнинг барвақт тушиб кетиши ҳамда уларнинг ўрнидан доимиш тишларнинг муддатидан олдин ёриб чиқишини гувоҳи бўлдик. 9,2% болаларда эса кийшиқ тишлов (латерогения) ҳолатини шакллашаётганини кузатдик.

Ушбу болаларнинг 19%ида пастки вақтинчалик молярларни бир томонлама барвақт йўқотилганини ва 56%ида бир томонлама кариес жараёни борлигини аниқладик. Натижалар ва мунозаралар Тишлов турининг алмашинув давридаги текширилган 720 та болаларнинг 67,6%ида тишлов ҳолати ва тиш ёйига тааллуқли аномалиялар кузатилди. Тишлов аномалияларининг 41,4%и дистал тишлов (kl-II), 33,8%и чуқур тишлав ҳолатига тўғри келди. Аксарият болаларда дистал тишлоа ҳолати чуқур тишлов билан чамбарчас кечиши кузатилди.

Мазкур болаларнинг кўпчилигида пастки доимий фронтал тишларнинг 2 ва 3 даражали зич ҳолати (Саблина бўйича) аниқланди. 14,8% болаларда дистал тишлов ҳолати юқори жағнинг

«компенсатор торайиш»и ва юқориги фронтал тишларнинг «компенсатор ретрузия»си (kl-IIIb), зич ҳолати ёки протрузияси (kl-IIIa) билан кечаётганлигини гувоҳи бўлдик.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиш-жағ деформациялари мавжуд болаларда оғиз бўшлиғи гигиеник индексларнинг ўрта оғирлик даражадалиги, тиш-жағ деформацияларининг клиник кечиш хусусиятлари ва тиш-жағ деформациясининг олдини олиш бўйича кўп босқичли комплекс дастурни ишлаб чиқиш амалиётда илк бор тавсия этилганлиги, ушбу дастур ижобий 89,6% самара берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиш қатори нуқсонлари мавжуд беморларни алмашинув прикуси вақтида комплекс тиш-жағ деформациясида ортопедик мосламалар конструкциясини танлаш, модификацион вариантыни қўллаш шу контингентдаги болаларда тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги билан изоҳланади.

Хулоса

Алмашинув тишлов даврининг биринчи палласида (фазасида) пастки вақтинчалик молярларни эрта йўқотилиши оқибатида пастки доимий биринчи молярларнинг мезиал оғиши ёки корпусли мезиал миграцияси рўй берганлигини гувоҳи бўлдик. Ушбу болаларнинг аксариятида овқат лўқмасини бир томонлама чайнашдек зарарли одатлар борлигини кузатдик. Мазкур тишловнинг ушбу палласида мезиал тишлов ҳолати (kl-III) 8,9% учради, қийшиқ тишлов (латерогения) ҳолати эса 4,1%ни ташкил этди. Алмашинув тишлов даврининг иккинчи палласида эса 32,4% болаларда дистал (kl-II), 21,9% болаларда чуқур, 11,8% болаларда дистал-чуқур тишлов ҳолати ва 3,2 % болаларда эса қийшиқ тишлов ҳолати кузатилди. Ушбу гуруҳда юқори тиш ёйининг торайиши кўпроқ дистал тишлов ҳолатига тўғри келди. Жағларнинг бир томонлама – асимметрик торайиши кўпроқ қийшиқ тишловли болаларга тўғри келди.

АДАБИЁТЛАР РҲҲАТИ:

1. Аболмасов Н.Г. Ортодонтия. / М., 2004. – С. 37-95.
2. Азимова Ш.Ш., Абруев У.Р, Расулов М.М. Тиш-жағ тизими аномалияларининг Бухоро шаҳар мактаб ёшдаги болалар орасида тарқалиши. // Доктор Ахборотномаси. 2020;1:23-28.
3. Алимский А.В., Шалабаева К.З., Долгоаршинных А.Я. Динамика пораженности кариесом зубов школьников г. Караганды (по материалам эпидемиологического обследования, проведенного в 1988 и 1998 гг.) // Новое в стоматол. – 2002;2:102.
4. Анохина А.В., Низамов И. Г., Хитров В. Ю. Проблемы организации ортодонтической помощи детям // Казанский мед. журн. 2003;84(1):62-64.
5. Вагнер В.Д., Смирнова Л.Е. Актуальные вопросы оказания стоматологической помощи в рамках программы обязательного медицинского страхования // Институт стоматологии. – 2010;1:10-13.
6. Вагнер В.Д., Чабан А.В. Сравнительная характеристика состояния ортодонтической помощи населению в субъектах Дальневосточного Федерального округа. // Институт стоматологии. – 2009; – №3.
7. Бакаев Ж.Н. Доимий тишларнинг чиқиши вақтининг ўзгариши натижасида тиш-жағ тизим аномалияларининг этиопатогенези, замонавий ёндашув. [Адабиётлар шарҳи] // Тиббиётда янги кун 2020;4(32):119-123. <https://newdayworldmedicine3d.com/en/article/3564.html>
8. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А. Болаларда тиш-жағ тизими нуқсонлари ва соматик касалликлар орасида боғлиқликнинг илмий асослари. [адабиётлар шарҳи] // Журнал. Стоматология. 2019;1:60-65.
9. Олимов Сиддик Шарипович., Бадриддинов Баҳром Бахтиерович., Юнысова Умида Ахмаджоновна Особенности течения кариозного процесса у детей с зубочелюстными аномалиями в Бухарской области // Журнал естественных исправления 2021;21/12(2):27-33.
10. Фозилов У.А. Беморларни ортодонтик даволашда асоратларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора тадбирлар мажмуини қатъий технология ёрдамида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. // Тиббиётда янги кун. - Бухоро, 2020;2(30):580-583. <https://newdayworldmedicine3d.com/en/article/3314.html>

Қабул қилинган сана 20.08.2025